OLTINCHI SESSIYA BO‘LIB O‘TDI

Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashining navbatdagi oltinchi sessiyasi kun tartibida deputatlar tomonidan jami 20 ta masala ko`rib chiqildi.

Deputatlar sessiya muhokamasiga kiritilgan eng muhim masalalar, jumladan, “Boysun tumani mahalliy byudjetining 2024-yil IV chorak ijrosi to`g`risida”, “Boysun tumanidagi mahalla fuqarolar yig`inlarining ma`muriy-hududiy chegaralarini belgilash to`g`risida”, “Boysun tumanida 2025-yil uchun yer qa`ridan foydalanganlik uchun hamda suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliq stavkalarini belgilash to`g`risida”, “Fuqarolar yig`inlari raislari sayloviga tayyorgarlik ko`rish va uni o`tkazish to`g`risida”gi masalalar yuzasidan vakolatli rahbarlarning hisobot va ma`lumotlarl eshitilib, tegishli qarorlar qabul qilindi.

Deputatlar, shuningdek O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 13-dekabrdagi “Surxondaryo viloyatini kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish hamda aholi turmush darajasini oshirish chora-tadbirlari to`g`risida“gi PQ-438-sonli qarorining tumandagi ijrosi yuzasidan tuman hokimining qishloq va suv xo`jaligi masalalari bo`yicha o`rinbosari S.Choriyevning hamda O`zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Majburiy ijro byurosi Boysun tumani bo`limi boshlig`ining 2024-yil davomida amalga oshirilgan ishlar yuzasidan hisobotlarini eshitib muhokama qildilar.

Sessiya kun tartibiga kiritilgan boshqa masalalar yuzasidan ham tegishli qarorlar qabul qilindi.

Humoyiddin ALLANOV,
Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi deputati.

ҲАМ НАЗОКАТ, ҲАМ ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ – АЁЛ

(Боши 1 -бетда)

Улуғ мунажжим ва шоҳ Улуғбек эса Бухородаги мадраса дарвозаси тепасига “Илм олмоққа интилиш муслим ва муслималар учун бирдек фарзу қарз”, деб ёздирган экан. “Ислом хотин-қизлар ҳуқуқини паймол этган, илм олишга йўл бермаган”, деб кўп ёздилар. Эҳтимол, ўша давр тақозоси шундай бўлгандир — исломни қоралаш йўлида барча ишларни қилдилар. Бироқ аслида бундай эмас. Агар шундай бўлганда менинг она ва ота томондан бўлган бувижонларим XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида яшаган Қўқонбека ва Хадичабекалар мактабдорлик қилиб, ўғил болалар каби қизларни ҳам ўқитмаган бўлардилар.

Агар исломнинг аёлларга муносабатини ўрганадиган бўлсак, ислом аёлларни қанчалик қадрлаганини англаб етамиз. Дунёдаги энг маданиятли халқлардан бири бўлган ҳиндлар эри ўлгач эрининг мурдаси ёнига хотинини ҳам куйдириб юборишарди. Бу урф-одатга бобурийлар сулоласининг вакили — Ҳиндистон ҳукмдори Акбаршоҳ бутунлай чек қўйди. Ислом қиз туғилиши барака бўлади, оилага хурсандчилик келтиради, деган ғояни олдинга суради. Пайғамбаримиз алайҳис-саллоту васаллам: “Кимнинг учта қизи бўлса, тарбиясини яхши қилса, Оллоҳ таоло уни қиёмат кунида жаннатга киритади...” деган ҳадиси шарифни айтганлар.

Бизнинг замонда эса, айниқса, мустақилликка эришганимиздан сўнг Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор имтиёзлар ва чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда барча соҳаларда эркаклар ва аёлларимиз учун бир хил ҳуқуқлар, имтиёзлар, бурчлар ва имкониятларнинг тенглигига эришишга қаратилган тенгликка асосланган стратегия мавжуд.

Президентимиз раҳбарлигида хотин-қизларга бўлган эътиборни юксалтириш, жамиятда гендер тенгликни таъминлаш, давлат бошқаруви ва халқ ҳокимиятчилигида хотин-қизлар иштирокини кўтариш соҳасида одилона сиёсат олиб борилмоқда. Бизда Ўзбекистон Республикасининг гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди. Гендер тенгликка асосланган стратегия 2030 йилгача мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ҳаётда эркаклар ва аёлларнинг тенг имконият ва ҳуқуқларини яратиш, уларнинг иқтисодиёт, бандлик ва меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилишда гендер тенгликни таъминлаш, бутун ҳаёти давомида адолат, сифатли таълим ва барча хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоялаш, одам савдосига чек қўйиш, барча эркак ва аёллар учун ижтимоий ҳимоя, соғлом турмуш тарзи ҳамда миллий гендер статикасини ривожлантиришни назарда тутади.

Гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бугунгача 30 га яқин қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон тарихида илк маротаба БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етиб, парламентдаги хотин-қизлар сони ошди ва у дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилди. Буларни биз бошқарув лавозимларида, партияларда, олий таълимда, суғурта соҳасида, саноат тармоқларида, таълим соҳасида, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳаларида ва тадбиркорликда ҳам кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда давлат раҳбаримиз қаерда бўлмасин ҳурматга лойиқ бўлган хотин-қизларимизнинг шаънига энг самимий илиқ сўзларни айтаяптилар. Уларнинг ҳурмат-эътиборини жойига қўйишга, оғирини енгил қилишга даъват этишдан, шу мақсадда қўлларидан келган барча ишларни амалга оширишдан чарчамаяптилар. Бизнинг Бойсунимизда ҳам жонкуяр, меҳнаткаш, фидойи хотин-қизларимиз, бувижонларимиз, оқила аёлларимиз турли соҳаларда ва жамоатчилик ишларида самарали меҳнат қилмоқдалар. Бугун биз Саодат Жўрақулова, Рўзигул Холмўминова, Хадича Рамазонова, Норхол Саодатова, Ҳанифа Салимова, Сайёра Қосимова, Гулнора Аъзамова, Дилбар Йўлдошева, Сайёра Мажидова, Сожида Эрмаматова, Гулсара Равшанова, Санобар Ибрагимова, Зайнаб Зоирова, Санобар Холмуродова, тадбиркорлар — Малика Подшоева, Феруза Холиқова, Нилуфар Жўраева, Розия Эшонқулова, Назокат Собирова, Ражабой Тўхтаева (руҳлари шод бўлсин), Манзура Аъзамова, Хадича Раҳимбердиева каби жонкуяр аёлларимизни фахр билан тилга оламиз.

Бугун жамиятимизнинг ҳеч бир муаммосини хотин-қизлар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди Улар иш жойларида фаол бўлиш билан бирга уй бекалари, хонадонларимиз фаришталаридир. Мен эса фурсатдан фойдаланиб, Аллоҳ гўзал ва назокатли хилқат қилиб яратган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қилаётган, қалби дарё аёлларимизни, қизларимизни 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан муборакбод этаман. Уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, дунё яхшиликларини тилайман ва уларнинг жамиятимиздаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият, адолат муҳитини асраб-авайлашларига ишонаман. Чунки аёл аввало она! У ўз алласи билан фарзандини эзгуликка ўргатади. Ватанига, халқига садоқали етук инсон қилиб тарбиялаш йўлида бутун ҳаётини бағшида қилади.

Саида НАСРУЛЛАЕВА,
Бойсун туман “Оқила аёллар” ҳаракати ва “Бувижонлар мактаби” раҳбари.

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

(Боши 1 -бетда)

Айни пайтда ушбу маҳалла марказидан ўтувчи халқаро аҳамиятга эга М-39 автомобиль йўли ёқасида хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш мажмуаларини яратиш бўйича қатор лойиҳалар йўлга қўйилиши мўлжалланган. Улардан энг йириги “Mkgs-biznes” МЧЖ томонидан амалга оширилаётган бўлиб, ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 6 миллиард сўмни ташкил қилади. Вилоят ҳокими мазкур лойиҳа билан танишиш жараёнида ишларни тезлаштириш ва энг муҳими унинг сифат даражасига эътибор қаратиш ҳамда биринчи навбатда ёшлар, кам таъминланган оилалар фарзандларини иш ўрни билан таъинлаш борасида фикрлар билдириб, тадбиркорларнинг таклиф-мулоҳазаларини эшитди.

Вилоят ҳокими тумандаги “Бойсун Вахшивори” масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган лойиҳа қурилиши билан ҳам танишди. Ушбу лойиҳа мазкур МЧЖга қарашли Газа маҳалласи мол бозори ҳудудида амалга оширилмоқда. Маълумки, бугунги кунда вилоятимизда жуда кўп бозорлар ҳафтада бир ёки икки кун фаолият кўрсатади. Эндиликда Президентимизнинг таклифи билан ушбу бозорларга ёндош кунлик фаолият кўрсатадиган савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари барпо этиш ва қўшимча иш ўринлари яратиш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Ушбу лойиҳа ҳам мана шу таклиф асосида амалга оширилаётган бўлиб, унинг умумий қиймати 1,8 миллиард сўмни ташкил этади ва лойиҳа ниҳоясига етгач, бу ерда қўшимча 60 га яқин иш ўринлари яратилади.

Ташриф давомида вилоят ҳокими, шунингдек, туман марказида яқинда ташкил этилган “New med clinik” МЧЖ томонидан ташкил этилган даволаш, диагностика ва лаборатория хизматлари кўрсатувчи тиббиёт маркази фаолияти билан танишиб, бу борада аҳолига сифатли тиббиёт хизматини кўрсатиш, малакали мутахассисларни жалб қилиш борасида ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирди.

Ташриф якунига оид бўлиб ўтган йиғилишда вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов бошланган лойиҳаларни муддатида амалга ошириш бўйича ўз таклифларини билдириб, бу борада мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этиш, тадбиркорларга амалий кўмак бериш юзасидан туман ҳокимилиги ва тегишли идоралар вакилларига тавсиялар берди. Шунингдек, вилоят раҳбари туманда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги имкониятлардан самарали фойдаланиш зарурлигини таъкидлаб, тадбиркорлар томонидан илгари суриладиган ҳар қандай янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшлар учун барқарор иш ўринлари яратиш юзасидан топшириқлар берди.

Мулоқот давомида туманда янги иш ўринларини яратишда асаларичилик, картошкачилик, кооперциялар, умумий овқатланиш шохобчалари, беданачилик ва паррандачилик соҳаларини ҳам ривожлантириш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилиб, бу соҳада амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Даврон ОРИПОВ.

P.S: Газетанинг кейинги сонларида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар тўғрисида батафсил маълумотлар берувчи материаллар билан танишасиз.

МЕҲРИ ҚАЛБ СОҲИБЛАРИ

Шифокорларнинг фаолиятига назар ташласангиз улар беморни кўраётганда қўллари, кўзлари, нигоҳлари билан кўраётгандек, сезувчанлик уларда кучли. Озода опа ва унинг ҳамкасбларидаги мана шундай ўзига хос хислатлар туфайли ҳам беморлар тезда соғайиб, оила бағрига қайтмоқда.

У ишлаётган шифохонанинг ички хасталиклар бўлимига таниқли шифокор Нарзулло Ражабов бошлиқ. Демоқчимизки, бўлим бошлиғининг талабчан ва меҳрибонлиги уларга кўчгандек. Озода Исмоилова ҳам шифохонанинг энг жонкуяр ҳамширалари ва ўрта бўғин тиббиёт ходимлари Сожида Ҳасанова, Зефина Қурбонова, Шаҳноза Холназарова, Саодат Нуриева, Сайёра Самадова, Нафиса Рамазонова, Мусаллам Хўжаева, Матлуба Раҳимова сингари бир сафда меҳнат қилиб келяпти. Ҳа демай, фаолиятига қирқ йил тўлади. Қарийб ўн йилдирки, Озода Исмоилова бўлимнинг бош ҳамшираси. Дори-дармонлар таъминоти, озодалик ва тозалик, беморларга озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ва бошқа ишларда бош-қош. Умуман олганда, азалий одат-бирини ака, бирини ука ва яна опа-сингил бўлиб ишлашга ўрганиб қолган. Ҳатто аҳволи энг оғир беморларга муолажа қилиш, қон қуйишдек масъулиятли жараёнларда ҳамкасбларнёнида туришга ҳаракат қилади.

Озода Исмоиловонинг яна бир хислати беморлардан, атрофдагилардан ўз ёрдамини аямайди. Бундан икки йилча аввал ҳамманинг кўз ўнгида аҳволи танглигидан йиқилган йигит ҳақида ҳаммамиз яхши биламиз. У эса Озоданинг укаси бўлиб чиқди. Икки буйраги ҳам ишдан чиққани боис ана шундай аҳволга келиб қолганди. Опалар, ака-укалар уни Тошкент шаҳрига олиб жўнадилар. У ердаги врачларнинг хулосасига кўра буйрак кўчириб ўтказиш амалиётини амалга оширишга тўғри келиб қолди. Айнан Озоданинг қон гуруҳи ва бошқа таҳлиллар тўғри келганлиги сабабли ҳеч иккиланмай бир бўйрагини укасига утказишга рози бўлди. Мана бугун ука ҳам опа ҳам соғ- саломат юрганлигининг ўзи катта бир оила учун бахт.

(Боши 1 -бетда)

Озоданинг оилавий аҳволи ҳақида гапирадиган бўлсак, асли Дарбанд қишлоғидан. Турмуш ўртоғи, ҳозирда ички ишлар фахрийси Фахриддин билан ўтаётган ҳаётидан чинакамига рози. Айниқса, Фарҳод, Феруза, Фарзона исмли фарзандлари туғилиб, катта ўғли магистрант, иккинчиси бобо касбининг давомчиси, қизи эса олийгоҳ талабаси эканлиги уларнинг яхши тарбия топганлигидан дарак беради. Етти нафар ширинидан-шакар неваралар ота-оналари билан Озода опа ва Фахриддин акаларнинг “Мустақиллик” маҳалласидаги хонадонига йиғилиб келганда уй тўлиб, янада файзли бўлиб кетади.

Шундан эмасми, яшашга интилиш, ҳаёт завқини суриш.

Парда НАЗАРОВ.

TASHQI YOZUVLARDA QONUN TALABIGA RIOYA QILING

O`zbekiston Respublikasining “Davlat tili haqida”gi Qonuni ijrosi nafaqat o`zaro muloqot yoki tashkilot-korxona va jamoatchilik orasida balki reklamalarni berish va tashqi yozuvlarni joylashtirish jarayonlarida ham qat`iy amal qilinishi talab etiladi.

Mazkur talabdan kelib chiqib tuman hokimligi tashabbusi bilan tegishli mutaxassislar jalb etilgan holda ishchi guruhi tashkil etilib, hududlardagi tashqi yozuvlar (reklama, peshlavha, e`lon va axborot matnlar)ning O`zbekiston Respublikasining “Davlat tili haqida” va “Reklama to`g`risida”gi qonunlari talablariga muvofiqligi ko`rib chiqilmoqda. Nazorat-tahlil davomida ishchi guruh joylarda reklamalarning tarkibi qonunbuzarliklarga yo`l qo`yilmasligini ta`minlash uchun reklama materiallarining mazmuni tekshirilib, aniqlangan kamchiliklarni bartaraf etish bo`yicha reklamadorlarga tegishli maslahat va tushuntirishlar berilmoqda. Bunda, eng avvalo, yolg`on va haqiqatga to`g`ri kelmaydigan reklamalarni qonun talablari doirasida taqiqlash va olib tashlash choralari ko`rilyapti.

Olib borilayotgan nazorat-tahlillar natijasi shuni ko`rsatmoqdaki, ayrim tadbirkorlar o`z faoliyatlariga doir peshlavhalar va e`lonlarni lotin alifbosida berish bilangina qonun talablarini bajaryapman, degan fikrda bo`lishyapti. Masalan, hozirgacha ham rus tili yoki boshqa xorij tilidagi matnlarni lotin yozuviga asoslangan o`zbek alifbosida yozish holatlariga duch kelamiz. Aytaylik, “Moyka” so`zini lotin alifbosiga o`girib “Moyka” tarzida yoki “Sam moy” tarzida yozilyaptiki, bu hol “Davlat tili haqida”gi qonunga mutlaqo muvofiq kelmaydi. Bunday vaziyatda peshlavha yoki reklama matni tilshunos mutaxassislar tomonidan to`lig`icha o`zbek tiliga tarjima qilinib, lotin alifbosida aks etishi kerak. Afsuski, bu kabi tushunmovchilik va savodsizlikni istalgancha topish mumkin.

Albatta, reklama va tashqi yozuvlarni amaldagi qonunlar talabiga mos ravishda joylashtirilishini ta`minlash fa`at tuzatish bo`yicha topshiriq berish bilangina amalga oshirib bo`lmaydi. Bunday vaziyatda “Reklama to`g`risida”gi Qonunning ahamiyati va mazmun-mohiyatini tushuntirish katta ahamiyatga ega. Shuning uchun ishchi guruh a`zolari joylarda turli xil ma`ruzalar, targ`ibot suhbatlari o`tkazib, fuqarolarni qonun hujjatlari haqida xabardor qilish ishlariga ham katta e`tibor qaratyaptilar. Shuningdek, “Reklama to`g`risida”gi Qonunning ijrosini ta`minlash bo`yicha ommaviy axborot vositalari bilan hamkorlik qilish ham o`z samarasini beryapti.

Shu o`rinda tashkilot-muassasa rahbarlari, tadbirkorlarimizdan o`z hududlarida o`rnatilgan reklama, axborot ko`rinishidagi yozuvlar, peshlavhalarni yana bir nazoratdan o`tkazib, iloji boricha ularni mutaxassislar maslahati natijasida aniqlangan nuqsonlarni bartaraf etish va qonun talablariga moslashtirishni so`rab qolamiz. Zotan, qonunchilik talablariga itoat etish har qanday huquqiy davlat taraqqiyoti uchun eng muhim mezondir.

Nurali JUMAYEV,
Boysun tuman hokimining ma`naviy-ma`rifiy ishlar samaradorligini oshirish, “Davlat tili to`g`risida”gi Qonun hujjatlariga rioya etilishini ta`minlash masalalari bo`yicha maslahatchisi.

ШЎРСОЙ УЗРА ЯНГИ КЎПРИК

(Боши 1 -бетда)

Шўрсой устида бунёд этилган янги кўприк ҳам ана шу ўлмас одатларимиз, анъаналаримиз маҳсули десак, адашмаган бўламиз.

Бахтиёр ҳожи Шукуров бошлаган ташаббус тезда маҳалладошлар томонидан қўллаб-қувватланиб, Шўрсой маҳалласи ҳамда “Янги Ўзбекистон” массивини Шўрсой узра боғловчи кўприк қурилиши бошлаб юборилди. Биров қурилиш материали, биров пул маблағи билан ташкилотчиларни қўллаб-қувватлаб, ўзлари ҳам ҳашарга чиқишди. Туман ҳокимлиги, шахсан Б.Шукуров, ҳоким ўринбосари Ш.Нормўминовлар тез-тез ҳашарчиларни хабарлашиб, қўллаб-қувватлаб туриши ҳам аҳолига ўзига хос маънавий мадад бўлди. Маслаҳатли тўн тор келмас, деганларидек қисқа муддатда узунлиги 22 метр, баландлиги 10 ва эни 4 метр бўлган янги кўприк Шўрсой қирғоқларини туташтириб, аҳолининг узоғини яқин қилди.

Шўрсой ва наврўзликларнинг деярли 35 йиллик орзуси ушалиб, кўприк фойдаланишга топшириладиган кун байрамона тарзда ўтказилди. Тантанали тадбирда иштирок этган маҳалла фаоллари, ташкилотчилар, депутатлар туман ҳокими ўринбосари Ш.Нормўминов ушбу кўприкнинг ҳар икки маҳалла аҳолиси учун қулайлиги ҳамда ушбу ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида гапириб барча ташкилотлар, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳашарчилар ва ушбу савоб ишга бош бўлган Бахтиёр Шукуровга ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

—Ушбу кўприк туман ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши ва аҳолимизнинг ҳамкорлиги билан яратилган Шўрсой сойининг мазкур ҳудудида бунёд этилган пиёдалар ва енгил автомобиллар қатнови учун мўлжалланган илк объект, — дейди тантанали маросимда сўз олган фахрий йўлсоз муҳандис Қаюм Самадов. — Ишончим комилки, ушбу ҳудуд келгусида янада кенгайиб, туманимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланган марказларидан бирига айланиб, Шўрсой устида янада замонавий ва барча турдаги автоуловлар қатнайдиган йирик кўприклар бунёд этиладиган замонларни ҳам кўриш насиб этади, Худо хоҳласа.

Маҳалламиз фаол фахрийси бўлмиш Қаюм ака яхши ният қилдилар. Ҳақиқатан ҳам Президентимиз ташаббуслари билан Шўрсойнинг ўнг қирғоғида бунёд этилаётган ва кундан-кун ўз чиройи, салобати билан туманимиз кўркига ярашиб бораётган “Янги Ўзбекистон” массиви баҳонасида ушбу ҳудуд яқин йиллар ичида чинакамига шаҳар тусини олиб, саноатлашган, хусусан, туризм саноати ривожланган ҳудудларга айланажак. Икки маҳалла аҳли халқимизнинг қадим ўлмас қадриятларига таяниб ҳашар йўли билан бунёд этган янги кўприк эса рамзий маънода ана шу эзгу ишларни қўллаб-қувватлаш ниятида қилинган ўзига хос кичик бир улуш дегимиз келади.

Самад БАҲОВУДДИНОВ, туман Кенгаши депутати.

СОЛИҚ ТЎЛАШ МАЖБУРИЙ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасига кўра фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

Солиқ сўзи нимани англатади? Солиқ кодексида белгиланган Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига ёки давлат мақсадли жамғармасига тўланадиган мажбурий беғараз тўловлар солиқ сўзининг яққол ифодасидир. Қонунчилигимизга кўра Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахслар учун қуйидаги солиқ ставкалари белгиланган:

-жисмоний шахсларнинг даромадлари бўйича 12 фоизлик солиқ ставкаси;

-двидентлар ва фоизлар тарзидаги даромадларга 5 фоизлик солиқ ставкаси;

-Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларига қуйидаги солиқ ставкалари бўйича солиқ солинади;

-двидентлар ва фоизлар -10 фоиз;

-солиқ кодекси бўйича аниқланадиган халқаро ташишларда транспорт хизматлари тақдим этишидан олинадиган даромадлар (фрахт)дан олинадиган даромадлар - 6 фоиз;

-меҳнат шартномалари (контракт) ва фуқаролик ҳуқуқий хусусиятдаги шартномалар бўйича олинган даромадлар, 1 ва 2-бандларда кўрсатилмаган бошқа даромадлар - 20 фоиз.

Т.АЗИЗОВ, туман адлия бўлими Давлат хизматлари маркази бўлим бошлиғи.

МУДДАТИДАН ОЛДИН ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда эга бўлишади. Аёллар эса бу ҳуқуққа 55 ёшга тўлган ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўлади.

Шу билан бирга ишчилар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган 58 ёшга тўлган эркаклар ва 53 ёшга тўлган аёллар муддатидан олдин пенсияга чиқишлари мумкин. Бунинг учун иш стажи эркакларга 25 йил, аёлларга эса 20 йил бўлиши шарт. Яъни, бунда қисқартиришга тушган ходим белгиланган ёшда бўлиши билан бир қаторда унинг иш стажи етарли бўлиши ва ишсиз деб эътироф этилиши лозим.

Шахсларнинг ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор маҳаллий меҳнат органи томонидан қабул қилинади.

(Асос: “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси).

И.МАННОНОВ, Бойсун туман Давлат хизматлари маркази директори.